



ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТЛАРДА КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

С.Шераватова, тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада замонавий жамиятларда камбағаллик ва унинг кескин кўриниши бўлган қашшоқликдан азият чекаётган аҳолини қўллаб-қувватлашда халқаро ташкилотларнинг мақсадли ҳамкорлиги таҳлил қилинди. БМТ нинг раҳбарлигида дунё давлатларида камбағалликка қарши курашда бўйича саъий ҳаракатларининг бирлаштириш сиёсати очиқ берилди.

Калит сўзлар: камбағаллик, қашшоқлик, заҳиралар танқислиги, барқарор тараққиёт, турмуш даражаси, инсон қадр-қиммати, ноқобил ҳудудлар, камбағалликни бартараф қилиш.

Аннотация: В статье проанализировано целевое международное сотрудничество в рамках социальной защиты людей живущих за чертой бедности. Раскрыта политика ООН в консолидации международных усилий по ликвидации бедности во всём мире.

Ключевые понятия: бедность, нищета, дефицит ресурсов, устойчивое развитие, достоинства человека, неблагополучные районы, ликвидация бедности.

Annotation: The article analyzes targeted international cooperation in the framework of social protection of people living below the poverty line. Revealed the UN policy in consulting international efforts to eradicate poverty around the world. **Key words:** poverty, misery, scarcity of resources, sustainable development, human dignity, disadvantaged areas, poverty eradication. Замонавий жамиятларда камбағаллик – бу кўп қиррали мураккаб муаммо бўлиб, унинг сабаб ва оқибатлари биргина миллий давлатлар доираси билан чекланмайди. Камбағаллик ва унинг ижтимоий оқибатларидан азият чекувчи қатламларнинг турмуш даражасини ошириш ва барқарор 164 ҳаётий шарт-шароитлар билан таъминлаш борасидаги саъий-ҳаракатлар дунё ҳамжамияти диққат марказидаги долзарб масала бўлиб келмоқда. Афсуски, камбағалликнинг халқаро миқёсда қўллаш имкони бўлган универсал ечим усуллари мавжуд эмас. Ушбу глобал муаммонинг оптимал ечим йўлларидан бири



муайян давлатнинг камбағалликка қарши курашда ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда миллий дастурини ишлаб чиқишидир. БМТнинг Бош Ассамблеясининг 2000 йил 8 сентябрда Нью-Йоркда қабул қилинган —Минг йиллик Декларацияси|| янги минг йиллик остонасида турган дунёда тинчлик, фаровон ҳаёт ва адолат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадларини илгари сураётган, ушбу Декларациянинг 3-банди глобал тараққиёт ва қашшоқликни бартараф қилишга бағишланди. Ушбу бандда дунё аҳолисининг деярли 1 млрд.га яқини инсон қадр-қимматини таҳқирловчи қашшоқлик исканжасида қолаётганлиги таъкидланди. Аини ҳолатдан келиб чиқиб, 2015 йилгача 1 суткалик даромади 1 АҚШ долларида ошмайдиган камбағал аҳоли турмушини яхшилаш эвазига қашшоқликнинг дунё бўйича кўрсаткичларини 2 баробарга қисқартириш режалаштирилди. 2020 йилгача эса ноқобил аҳоли пунктларида яшаётган 100 миллиондан ортиқ кишиларни ҳаётини сезиларли тарзда яхшилаш чора-тадбирлари старт берилди[1;]. Шу асосда ривожланган давлатлар ҳар йили нисбатан камбағал давлатларга 15 млрд.долл пул ажратиб бориши ва бу билан базавий аҳамият касб этувчи социал хизматларни кўрсатилиши, маҳсулот бозорларида нархларнинг меъёрда ушлаб турилиши учун сарфланиши назорат қилиб борилади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган халқаро сиёсатлардан бири камбағал давлатлар ичида айрим давлатларнинг ташқи қарзларидан кечиш қўлланилди. Йилнинг 17 октябрь санаси эса – Халқаро қашшоқликка қарши кураш куни|| сифатида белгиланиб, аини сана орқали халқаро ҳамжамият эътиборини камбағалликдан азият чекаётган аҳоли қатламларига кўмаклашиш заруриятига қаратилмоқда. 2015 йилда минг йиллик тараққиёт мақсадлари ўрнига —Барқарор тараққиёт соҳасидаги Мақсадлар|| қабул қилинди. Ушбу декларация БМТга аъзо барча давлатлар томонидан қабул қилинди ва унинг 17 мақсадлари ичида устуворлари 2030 йилгача—қашшоқликнинг барча кўринишларини секин-аста бартараф қилиб бориш|| бўлди[2]. Дунё давлатлари иқтисодий ўсиш темпи билан бир пайтда камбағалликни бартараф қилиш ва шу билан боғлиқ ҳолда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бандлик соҳасида ҳаракатларни жадаллаштириш зарурияти кўрсатилди. Бугунги кунда ушбу мақсадлар Бутунжаҳон банки томонидан молияланмоқда. Дунё



аҳолисининг 700 миллион ёки 10% ининг аксарияти Африка ва Осиё давлатлари чекига тушаётган бўлиб, уларнинг ичида 17.2% ини қишлоқ аҳолиси ташкил қилмоқда. Меҳнат қилаётган аҳолининг иш билан таъминланганлиги ҳам қашшоқликни буткул бартараф эта олмаётгани, ишловчи аҳолининг 8% қашшоқликда кун кечираётганлиги билан исботланди[3]. Дунё болаларининг ҳар бешинчиси худди шундай оилаларда

истиқомат қилиб, уларнинг келажак истиқболи камбағалликдан чиқиб кета олиш эътимолига узвий боғлиқ қолмоқда. Демак, замонавий тараққиёт шароитида дунё аҳолисининг катта қисми камбағалликнинг ўта оғир даражаси саналган қашшоқликда, инсон организмнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун зарурий озиқ-овқат захиралари ва даромад манбаининг кескин танқислиги шароитида кун кечирмоқдалар. Қашшоқлик даражаси озиқ-овқат ва ичимлик суви хавфсизлиги даражасидаги ҳаётини зарур захираларнинг кескин танқислигини шакллантирмоқда. Ушбу муаммолар ўз ўрнида, таълим, соғлиқни сақлаш каби хизматлардан фойлана олмаслик, ижтимоий таққирловчи муносабат ва жамият ҳаётидан узилганлик каби ижтимоий муаммолар кўламини кенгайтирмоқда. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда хорижий тажрибага таяниб иш кўриш ўринлидир. Бунда, айниқса, инклюзив бизнес моделларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Масалан, ҳозирги кунда Ер юзи аҳолиси кам таъминланган қатламларининг энергия, сув таъминоти, канализация, ахборот технологиялари каби кўплаб соҳаларда сезиларли даражада қондирилмаган эҳтиёжлари мавжуд. Шу билан бирга, ривожланган давлатлар иқтисодиётининг турғунлиги шароитида кам таъминланган гуруҳлар иштирокидаги бозор сегментларининг жозибадорлиги ошиб борапти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Декларация тысячелетия Организации Объединённых Наций. Принята резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи от 8 сентября 2000 года.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtm

2. Глобальная борьба с бедностью: опыт зарубежных стран

[//https://review.uz/post/globalnaya-borba-s-bednostyu.](https://review.uz/post/globalnaya-borba-s-bednostyu)



3. Мир, достоинство и равенство на здоровой планете. Ликвидация нищеты. ООН // https://www.un.org/ru/global-issues/ending-poverty__